

Коррупция қарши курашиш борасидаги ислохотлар самараси



Кейинги йилларда юртимизда ҳар бир соҳани тубдан ривожлантириш ҳамда шаффоф ва адолатли муҳитни яратиш борасида кенг кўламли ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотлардан кўзланган асосий мақсад жамиятда юзага келиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, шунингдек коррупцияга қарши мурасасиз курашишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси доирасида Термиз туман тиббиёт бирлашмасида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатида Халқ депутатлари Термиз туман Кенгаши депутатлари Шухрат Ҳайитов ва Соатмурод Назаровлар жамият ривожига тўсиқ бўлувчи коррупция ва унга олиб боровчи ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга қарши биргаликда курашиш лозимлиги таъкидлаб ўтишди.